

## БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, МУҲТАРАМ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР!



Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 293-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор муовини Гулбахт Нуриμβетова йигирма бир йилдирки, бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келаяпти. 2011–2012 ўқув йилида ўтказилган кичик фанлар олимпиадасида унинг жажжи шогирдлари Сардор Қалбаев ва Мухлиса Қурбонашевлар она тили ҳамда математика фанлари бўйича шаҳар босқичида фахрли ўринларни эгаллашди.

Байрам арафасида устозларини қутламоққа чоғланган ўқувчиларга “Сизнинг намунали хулқингиз, аъло ўқишингиз бизлар учун энг яхши совға!”, дейди Гулбахт Нуриμβетова қувониб.

Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган сурат.

### ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан барча юрtdошларимизни ҳамда маърифат фидойиларини самимий муборакбод этади!



Келажаги буюк  
Ватанимиз  
фарзандларига таълим-тарбия улашиш  
йўлидаги заҳматли  
меҳнатингиз роҳатини  
кўриб юрингиз, муҳтарам  
устозлар!



### ҲАММАНИНГ УСТОЗИ

Бир неча ўн йилларки, мамлакатимиздаги мактаблар остонасига илк бора қадам қўйган ўғил-қизларимизнинг аксарияти бу фидойи инсон томонидан яратилган “Алифбе” китобидан сабоқ олган десак янглишмаймиз. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибаси, педагогика фанлари доктори, профессор Кумри Абдуллаевага “Миллионлаб болаларнинг онаси” дея бежиз таъриф берилмаган.

Олиманинг яратган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан нафақат юртимиз фарзандлари, балки кўшни Қозоғистон, Қир-

ғизистон, Туркменистон ва Тожикистонда таълим олаётган ўзбек ўқувчилари ҳам баҳраманд бўлиб келмоқда.

Кумри опани Франция, Германия, Покистон, Бирлашган Араб Амирликларидаги ҳамкасблари ҳам яхши билишади. Унинг ўнга яқин монография ва илмий рисоласи, 500 дан ортиқ мақолалари, қирқдан ортиқ ўқув ва қатор услубий қўлланмалари, дарсликлари чоп этилган.



...Болалиги уруш даврига тўғри келган Кумрихон совуқда дийдираб, деворлари нураб кетаёзган синф хоналарда ёзишни, ўқишни ўрганди. Қоғоз танқислиги боис ёзганларини ўчиргич билан ўчириб, сабоқларни қайта-қайта ёзарди. Юқори синфда ўқиётган кезлари “Алифбе”ни қўлдан қўймас, вақт топиб кўшни болаларга ёзиш, ўқишни ўргатарди. Шу боисдан онаси Моҳинисо ая “Қизим, сен ҳам отанг, ака-опаларингдек муаллим бўладиганга ўхшайсан”, деб қўярди. Мактабни битирган йили ўзи ўқиган мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. Кейинчалик дарс жараёнларига ижодий ёндоша бошлади ва ўзидagi илмий салоҳиятини босқичма-босқич ривожлантирди.

(Давоми 3-бетда.)

## БОҚИЙ ҚАДРИЯТ

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

## ЮРТ ТАЯНЧИ

Яратган одамзотга энг улуг неъмат бўлмиш Оила-ни инъом этганки, биздаги барча яхши фазилатлар замирида биринчи навбатда никоҳ ва оила туради. Фарзандлар камоли, давлат фаровонлиги, жамият маънавияти ҳам шу маъво билан чамбарчас боғлиқдир. Дарҳақиқат, муқаддас қургонни мустаҳкамлаш борасида мустақилликнинг илк кунлариданоқ хайрли қадамлар ташланди.

Мамлакатимизнинг Бош Қомуси — Ўзбекистон Конституциясида оила тизими ҳар томонлама давлат муҳофазасига олинган. Яна бир ибратли жиҳати, давлатимиз турли сабаблар туфайли боқувчисини йўқотган етим болаларга ҳам мунтазам ғамхўрлик кўрсатиб келаётди. Хусусан, етим ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш изчил равишда таъминланмоқда. Оналик ва болалик ҳуқуқлари давлат томонидан муҳофаза қилинмоқда. Энг муҳими, Конституция ва амалдаги қонунларда белгиланган нормалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 16-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 23-моддасида, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 10-моддасида оила ҳақида белгиланган қатъий талаблар бизнинг қонунчилигимизда ҳам тўла имплементация қилинган.

Ўтган 21 йил мобайнида оила институти билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган қўллаб-қўнлар, Президентимиз ва ҳукуматимиз фармон ва қарорлари қабул қилинди. Масалан, 2007 йил 18 майда қабул қилинган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонда мамлакатимиздаги ёш оилаларга муносиб уй-жой бериш, уларнинг ижтимоий-маънавий шарт-шароитларини янада яхшилаш кўзда тутилган. Асосийси, давлат миқёсида қабул қилинган маъруз ҳужжат асосида Ўзбекистон Марказий банки томонидан янги қурилган оилаларга имтиёзли кредит ажратишнинг соддалаштирилган тартибини белгилаб берувчи низом ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микрокредитлар, ипотека, истеъмол кредити бериш, касаначиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида қанчалаб маблағлар ажратилаётганлиги эътиборга лойиқдир. Дарҳақиқат, Юртбошимиз мамлакат тинчлиги ва барқарорлигини, қолаверса, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширишнинг ўзига хос кафолати — оила ва жамиятни мустаҳкамлашдек устивор мақсадни кўзлаган ҳолда, жорий йилни “Мустаҳкам оила йили” деб номланганларида ҳам ўзгача ҳикмат бор, десак муболага бўлмайди. Айниқса, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури оилаларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлашнинг ўзида мужассам этганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Биламизки, оила муқаддас маъво, ҳаётбахш ва боқий қадриятлар унинг метин пойдеворидир. Бу муборак гўшани ҳамisha тинч-осойишта, пок-изза сақлай олсак, эртанги ворисларимиз бахти ҳам бутун бўлади.

Зулфия АБДУРАСУЛОВА,  
Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани  
ФХДБ бўлими мудир.

Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб оилаларни соғломлаштириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Эро, жамиятнинг асосий бўғини мустаҳкам бўлишига эришиш барча эзгу мақсадларнинг бош омилдир.

Оила шундай бир кутлуғ, серхосият даргоҳки, унда инсон дунёга келиб, ўсиб улғайиш баробарида унинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, инсоний хусусият ва хислатлари шаклланиб боради. Мурғак бола қалбида эзгулик ёки ёмонлик уруғларидан бири айнан шу муҳитда қарор топади. Эро, инсон жисми ва руҳининг афсонавий табиби Лўқмони Ҳакимнинг бола тарбияси она қорнидан бошланади, деган сўзларида олам-олам маъно мужассам.

Давлатимиз раҳбари “Юсак маънавият — энгилмас куч” асарида маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлардан бири бу оила эканлигини таъкидлаб, шундай дейди: “Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табибий кўникмалар ва хусусиятлар, масалан ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофдаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай хис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки бўлмалиги, керак бўлса, дунёқарши, буларнинг барчаси аввало унинг туғма табиати, шу билан бирга оилага оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканлиги ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради”.

Ҳар томонлама тўқис, соғлом оилада вояга етган боланинг келажаги ёрқин, ҳамма ҳавас қиладиган даражада ибратли бўлади. Афсуски, оиладаги бир-бирини тушунмаслик, миллий ва ахлоқий қадриятларни менсимаслик ва ҳуқуқий саводсизлик каби иллатлар меҳр-оқибат ришталарини узиб, оилавий ажримларга олиб келади. Шуниси ачинарлики, бундай оила жабрини кўпроқ болалар тартиди, мурғак қалблар азият чекади. Ота ёки она меҳрига тўлиқ қонмаган фарзандлар ўз тенгдошлари орасида ўқиб, болалик бахти кемтик бўлиб вояга етадилар. Улар мустақил ҳаётга қадам қўйганларида ҳам жамиятда ўз ўринларини топа олмай, кўп қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Шундай экан, фарзандлар тарбиясида ҳар бир ота-она ўз зиммасида қанчалик улкан масъулият борлигини унутмаслиги керак. Соғлом оилавий муҳит ҳукм сурган хонадонда вояга етган фарзанд, албатта, ота-онасига меҳрибон, уни улғайтирган оиласи ва элу юртига фойдаси тегадиган, оилапарвар ва ватанпарвар инсон бўлиб етишади.

Лола НАРУЗУЛЛАЕВА,  
Самарқанд шаҳар 13-сон ДНИ нотариуси.



## ҲАФТАЛИК АКЦИЯ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангор туман кенгаши баркамол авлод вакиллари билан турли мавзуларда учрашув, суҳбатлар ўтказиб туришни анъанага айлантирган десак муболага бўлмайди. Хусусан, кенгаш ташаббуси билан одам савдосига қарши курашиш борасида олиб бориладиган ишлар эътиборга лойиқ. Бунда кенгаш аъзолари ишонарли далиллари келтирилган ҳолда одам савдосини мудҳиш жиноятлардан бири эканлиги хусусида керакли тушунчаларни бермоқда. Бундай учрашув, суҳбатларда маҳалла фаоллари, ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари фаол иштирок этишмоқда.

Яқинда мактаб ўқувчилари орасида “Ҳуқуқингизни биласизми?”, “Ўз уйингни ўзинг асра!” мавзуларида бир ҳафталик акция бўлиб ўтди. Бунда ўсмирлар ҳам фаол

катнашдилар. Акцияда таълим муассасалари жамоалари вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашди, қизгин савол-жавоблар бўлиб ўтди. Ҳар бир иштирокчи ўз билим, дунёқарашини намойён этди.

Акция якунида фаол катнашчилар ҳомийлар ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг фахрий ёриқ ва эс-далик совғалари билан тақдирландилар.

Эътиборли жиҳати, ҳаракат мутасаддилари навбатдаги мулоқот мавзусини мустақил давлатимизнинг Асосий қонуни — Конституциямиз қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишлашни режалаштириб олишди.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,  
“Оила ва жамият” мухбири.  
Сурхондарё вилояти.

## ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Қонун ижроси амалда

“Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис томонидан 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган. Ушбу қонуннинг мақсади амалдаги пенсия тизимини ислоҳ қилишдан иборат бўлиб, у бозор иқтисодиёти шароитида пенсия ёшидаги фуқароларни моддий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш, иш берувчиларнинг ўз ходимларини моддий аҳволини яхшилашдаги масъулиятини кучайтириш, пенсия тўловларига қўшимча даромад олиш манбаларини яратиш, қолаверса, кексалик чоғида фуқароларнинг ўз фаровонлиги учун шахсий жамғариларини шакллантиришга замин ҳозирлаш каби долзарб масалаларни қамраб олган эди.

Маъруз қонуннинг ижросини таъминлаш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга

ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори асосида “Халқ банки томонидан фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида” низом тасдиқланган.

Қонуннинг 6-моддасига кўра, иш берувчилар, шунингдек, меҳнат фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этишлари мажбурийдир. Демак, бу пенсия ёшида ишлаётган фуқароларга ҳам тааллуқли.

Ҳўжалик субъектларида меҳнат шартномаси асосида ишлаётганлар маъруз тизим субъектларида мажбурий иштирок этадилар. Бунда уларнинг ойлик иш ҳақларидан бир фоиз миқдоридаги маблағ ҳисобланган даромад солиғи суммасидан чегириб ташланган ҳолда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб вақаларига ўтказилади.

Барча иш берувчилар ўзлари жойлашган ҳудудлар бўйича Халқ банкининг маъруз туман бўлимида ўз ходимлари учун махсус ҳисоб рақамлари очиб,

ойлик иш ҳақи ва уларга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинган бадал суммаларини ҳар ой якуни бўйича ўтказиб борадилар.

Юридик шахс бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, деҳқон ва ҳўжалиklar аъзолари, уй бекалари, вақтинча ишламаётган фуқаролар тизимида ихтиёрли равишда иштирок этишлари мумкин. Улар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги Халқ банки филиалига мурожаат этиб, шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб вақаларини очди ҳамда ўзларига қулай вақтда ушбу ҳисоб вақаларига чекланмаган миқдордаги бадалларини қўйишлари мумкин. Фуқаро вафот этган тақдирда, унинг ҳисоб вақаларига жамғариб олинган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросхўрга ўтади ва маблағлар бир йўла тўланади. Агар, фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун чиқиб кетган бўлса, унга ҳам маблағлар бир йўла тўланади.

Эътиборли жиҳати, қонуннинг 5-моддасида жамғариб бориладиган пенсия

тизимиде иштирок этувчи фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб вақаларида жамғариладиган маблағларнинг сақланиши ва тўлалиши давлат томонидан кафолатланган.

Иш берувчи ўтказилган бадал суммасини ўзида ишловчи фуқарога ҳисобланган даромад солиғидан ушлаб қолади. Шундай қилиб, ўтказилган бадаллар иш берувчи ва ишловчи фуқаронинг моддий манфаатларига эътибор бермайди, бинобарин, жамғариб бориладиган пенсия бадаллари давлат бюджетига йўналтирилган бадаллар ҳисобига жамланади.

Таъкидлаш жоизки, 2010 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб вақаларига ихтиёрли равишда йўналтириладиган суммаларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмади.

Ғолиб ТОШТЕМИРОВ,  
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси шўба бошлиғи.

## ҲАММАНИНГ УСТОЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тақдир ҳам уни тўқис бахт билан сийлади — зиёлилар оиласи бўлган Раҳмонбековлар хонадонига келин бўлди. Турмуш ўртоғи Нусратбек ака ҳам маърифатпарварлик бобида ўзига хос тажрибага эга эди. Хуллас, Қумрихон опа кетма-кет фарзандли бўлганида ҳам тинмай изланди. Низомий номидаги педагогика институтининг сиртки бўлимини имтиёзли диплом билан тугатгач, 1958 йилда Қори-Ниёзий номидаги илмий тадқиқот институтида иш бошлади. Машхур олимлардан саналган Оқилхон Шарафиддинов, Раҳима Мавлоновалар билан ёнма-ён ижод қилди. Шу даргоҳда номзодлик, кейинчалик эса Москвада докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Оқилхон Шарафиддинов билан ҳамкорликда "Алифбе"нинг янги "авлоди"ни яратишга муваффақ бўлди. Албатта, Қумри опа ўша даврдаёқ ушбу дарсликнинг фарзандларимиз таълим-тарбиясида тугган ўрни беқиёс эканлигини, бир кун келиб бу китоб миллионлаб болаларнинг савод чиқариши йўлида ажойиб маёқ вазифасини ўташини чин юракдан ҳис қиларди.

Қумри Абдуллаева аксарият ўзбек зиёли аёллари каби биринчи навбатда ўз зиммасига уй бекалиги, фарзандларга меҳрибон оналик, институтнинг фаол етакчи ходими ҳамда олимликнинг захматли юкини олган эди. Энг муҳими, у бундай масъулиятли вазифаларнинг барчасини қойилмақом қилиб уйдлаш учун катта куч ва сабр-бардошга эга аёл эди.

Яна бир ибратли жиҳати, "Алифбе" яратиш осон эмаслигини чуқур англаган раҳматли турмуш ўртоғи, кимёгар олим Нусратбек ака, қолаверса, бутун оила аъзолари унга яқиндан кўмак беришганини ҳамон у киши хўрсиниб эслайди.

Бугунги кунда Қумри опа катта бир оиланин пиру бадавлат онахони, ўнлаб невар ва чевараларнинг сеvimли бувижониси. Қизи Доимахон рассом, ўғли Журъатбек ҳуқуқшунос. Келини — ўзининг шогирди Ситорaxon ҳам ёш олима. Невараларининг тўнғичи Малика Раҳмонбекова эса Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.

Бугун рамзий маънода айтадиган бўлсак, миллионлаб юртдошларимизнинг устози саналган Қумри Абдуллаевани умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан барча шогирдлари, газетамиз ўқувчилари номидан самимий муборакбод этамиз.

Тамара ХУММАМАТОВА,  
журналист.

Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан эса дунёни тебратди деган иборада ҳикмат борлигини мен кўп йиллар аввал ўз оиламиз мисолида англаганман. Негаки, биз зиёлилар хонадонидида ўсиб-ўлғайганмиз. Айниқса онамиз ўқитувчи бўлганликлари учун ҳамманиннг диққат-эътибори кўпроқ бизларга қаратилганлигини сезиб турардик.

Йиллар дарёдай оқиб кетди. Бугун саккиз фарзанднинг бари ҳаётда ўз ўрнини топган. Айримларимиз бувижонларга айландик. Лекин...ҳамон онамизнинг сабоқларини соғинамиз.

Баъзан Қашқадарёга йўлим тушса, ота-онами таниган-билганлар "Мухтарам опа Шукурова бизларни бошлангич синфда ўқитган эдилар, салом айтинг, мингдан минг раҳмат" дейишса, бошим осмонга етади. Бундай самимий дил изхорлари кўнглимни тоғдай кўтарди ва шундай фидойи инсоннинг фарзанди эканлигимдан фахрланиб кўяман.

Бугун онажоним 72 ёшни қаршилаб, бир этак

невара-чеваралар кучоғида кексалик гаштини суриб яшаяптилар. Байрамлар, тўй-томошалар, онажонимизнинг таваллуд кунлари

лардан маслаҳатларини аямайдилар. Энг қувончлиси, ҳозирги кунда ана шу илм масканида Улуғой опам ва жиянларим ҳам ўқувчиларга сабоқ бериб келишмоқда. Мен ҳам онамнинг қутлуг дуоларини олганим боис нуфузли олий даргоҳда хизмат қилаётганимдан Яратганга шукрона келтираман.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида энг аввало онажонимни, қолаверса, Қарши шаҳридаги 31-умумтаълим мактабининг жонкуяр устозларини ушбу умумхалқ байрами билан самимий табриклайман. Мустақил Ватанимизнинг нурли ва ёруғ келажаги эгаларини юксак маънавият-



## МЕНИНГ МУАЛЛИМ ОНАМ

бахонасида уйга йиғилсак, шу куни ҳовлимизга одам сиймай кетади. Шогирдлари, ҳамкасблари, кўни-қўшниларни айтмайсиз, ҳар куни суҳбат, гурун авжига чиқади. Кексаликларига қарамасдан, ўзлари ишлаган Қарши шаҳридаги 31-умумтаълим мактабига бориб, таълим соҳасидаги янгилик, ислохотлар ҳақида қизиқиб сўрайдилар, ёш ўқитувчи-

ли, етук ва доно соғлом ва албатта бахтли, саодатли бўлмоқликлари йўлидаги беиминнат меҳнатлари самарасини кўриш барчаларига на-сиб этсин!

Дилором ХУҲАҚУЛОВА,  
Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедра мудири, психология фанлари номзоди.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАТТАҚЎРҒОН ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ



1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан барча ҳамкасбларимизни, соҳамиз фидойиларини чин дилдан қутлайди!

Юзингиздан нур, қалбингиздан завқ-шавқ ҳеч қачон аримасин, бахтимизга омон бўлинг, устозлар!

Байрамингиз муборак бўлсин!

## ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

КАТТАҚЎРҒОН ТУМАН КЕНГАШИ ЖАМОАСИ



юртимизнинг барча ўқитувчи ва мураббийларини 1 октябрь — умумхалқ байрами билан самимий табриклайди!

Истиқлол даври фарзандларини юксак тафаккур эгалари сифатида руҳан ва жисман баркамол қилиб тарбиялашдек ғоят шарафли вазифани ҳалол ва виждонан адо этаётган устозларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилаларида тинч-тотувлик, меҳр-оқибат ҳамиша барқарор бўлмоғини тилаймиз.

Мамлакатимизда кишлоқ аҳолиснинг турмуш даражасини яхшилаш, у ерларда замонавий ва сифатли уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш, янги инфратузилмаларни шакллантириш кишлоқларимиз қиёфасини бутунлай янги бир босқичга кўтарилаётганидан дарак беради.

Республикаимизда ушбу жараёни кенг миқёсда молиявий қўллаб-қувватлаш, жумладан, уй-жой-коммунал, ижтимоий соҳа ва кишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш борасидаги эҳтиёжларни амалга оширишда аҳоли ҳамда юридик шахсларга кредит бериш ва банк хизмати кўрсатиш, янги, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган корхоналарга кредит бериш ва универсал тижорат банки сифатида юридик ва жисмоний шахсларга комплекс тарзда банк хизматларини кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги қарори билан "Қишлоқ қурилиш банк" ташкил этилган.

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан 2009 йилдан бошлаб кишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, кишлоқ жойларда сифатли уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировард мақсадда кишлоқ аҳолиснинг дунёқарашини тубдан ўзгартириш ҳамда мамлакатимиз кишлоқлари қиёфасини янада кўркамлаштиришга қаратилган кенг қамровли қурилиш дастурини амалга ошириш бошланди.

Шуниси эътиборлики, бу борада қабул қилинган ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 2009-2011 йилларда республикаимизнинг

Президентимиз раҳбарлигида кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Айниқса, кишлоқ жойларда бўлаётган ўзгаришларни ва уларнинг қиёфаси тубдан янгиланаётганини кўриб, ҳар биримиз фахр ва ғурурга тўлаяпмиз.

**КИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК:**

## АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ

барча кишлоқ ҳудудларида 15 мингдан зиёд намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши амалга оширилди.

Таъкидлаш керакки, дастур доирасида қурилаётган уй-жойлар қийматининг асоссиз ортишини олдини олиш, уйлар қурилишида маҳаллий хомашё, замонавий материаллардан кенг фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда банк маблағлари ҳисобига йиллик қуввати 240,0 млн. дона пишган гишт ишлаб чиқарадиган 12 та янги, замонавий корхоналар, шунингдек, йилига 2,1 млн. кв. метр том ёпиш материаллари (металлочерепица) ҳамда йиллик қуввати 220,0 минг кв. метр ёғочни қайта ишлаш имкониятига эга корхоналарни ташкил этиш ишлари якунига етказилди.

Жорий йилда эса кишлоқ аҳолиси турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳаёт даражасини янада кўтаришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун чет эл банклари кредит линиялари ҳам жалб қилинди. Чунинчи, Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасида имзоланган қарз шартномаси ана шундай йирик лойиҳалардан биридир. Унга мувофиқ, 2015 йилнинг якуни-



гача намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуришни молиялаштириш мақсадида Осиё тараққиёт банкидан 500,0 млн. АҚШ доллари миқдорда узок муддатли кредит линияси жалб этилди.

Ўз навбатида, Президентимизнинг 2012 йил 11 январдаги "Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш" лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида кўп траншли молиялаштириш Дастури бўйича амалга оширилаётган устувор чоралар тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиқиб, 2012 йилда Осиё тараққиёт банки кредит линиясининг биринчи босқичи доирасида 160,0 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни ўзлаштириш фаол давом этмоқда.

2012 йил давомида тақомиллаштирилган намунавий лойиҳалар асосида жами 906,0 млрд. сўмлик қийматга эга бўлган 8510 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, Осиё тараққиёт банк кредит линияси ва Молия вазирлигининг марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан қурилаётган уй-жой эгаларига жами 535,4 млрд. сўмлик имтиёзли банк кредитларини ажратиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, жорий йилда кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-

жойлар билан боғлиқ бўлган ўзгартиришлар киритилди. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги ПҚ-1683-сонли қарорига асосан 2012 йилдан кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар учун аҳолига ажратилган ипотека кредитларини қайтариш бўйича ўрнатилган 6 ойлик имтиёзли давр 1 йилгача узайтирилди ва ипотека кредитидан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси йиллик 7 фоиз миқдорида белгиланди.

2. Ушбу қарорга асосан, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ва яққа тартибдаги уй-жой қурувчи ўртасида шартнома имзоланганидан сўнг яққа тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан кимосди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

3. Қуриладиган уй-жойларнинг қийматини асоссиз ошишини олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 январдаги қарорига асосан республикада ишлаб чиқарилмайдиган ёғоч-тахта ва томга ёпиладиган металл тунукаларни арзон нархларда чет давлатлардан импорт қилиниши ташкил

қилинди.

4. Шунингдек, ушбу қарорда 2012 йилда уй-жойлар барпо этиладиган массивларда сув таъминоти объектларини қуриш республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб берилди.

5. Намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойларни қуриш учун пудрат ташкилотларини танлаш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 февралдаги "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича "тайёр ҳолда топшириш" шартлари асосида яққа тартибда уй-жой қуриш учун пудрат ташкилотларини аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори талабларидан келиб чиқиб амалга оширилиши белгиланди.

Бугунги кунда 8 босқичдан иборат танлов савдолари якунланди ва танлов натижалари бўйича намунавий уй-жой қурилиши учун 832 та пудратчи ташкилотлар аниқланди ҳамда жорий йил Дастури бўйича қуриладиган уй-жойлар учун аҳоли томонидан шакллантирилган уй-жой қийматининг 25 фоиз миқдоридаги бошланғич бадал маблағлари ва аҳолига ажратилаётган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан жойларда қурилиш ишларини жадал суръатларда ташкил этиш учун 347,2 млрд. сўм, шундан 217,4 млрд. сўми пудрат ташкилотларига аванс тариқасида ўтказиб берилди.

Август ойининг дастлабки кунларидан бошлаб эса, аҳолига имтиёзли ипотека кредитларини ажратиш ишлари уй-жойлар қурилиши ҳажмига мувофиқ босқичма-босқич тўлаб берилиши бошлаб юборилди.

Ҳеч шубҳасиз, "Қишлоқ қурилиш банк" жамоаси мамлакатимиз иқтисодиётини янада тараққий эттириш, кишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш, қисқача айтганда, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш билан боғлиқ барча тадбирларда бундан кейин ҳам фаол иштирок этаверади.

**Қишлоқ қурилиш  
банк матбуот хизмати**



Клара опа Ортикова кўп эмас, кам эмас, 23 йил бўлибдики, ҳам тахрибали ҳисобчи, ҳам кўли гул тикувчи сифатида эл-улусдан раҳмат эшитади. Муболага эмасу, олдида ҳам, ортида ҳам ҳамма чин дилдан мактайтиди. Бундай эҳтиромга сазовор бўлмоқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бахтининг бутунлигини қарангки, Ихтиёр акадек камтарини, меҳнаткаш ва энг муҳими, бағрикенг инсон билан тақдирини боғланди. У киши Клара опа тунлари алламахалгача чевар-

нафар фарзандим бўла туриб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозир университет)нинг "Миллий истиқлол гоёси ҳуқуқ ва маънавият асослари фани" факультетига ўқишга киришга муваффақ бўлдим. Ўқишни битирганимдан сўнг республика юристлар малакасини ошириш марказида тест синовларини муваффақиятли топшириб, ҳуқуқий билимимни янада мустаҳкамлашга эришдим. Бу менга тадбиркорликни йўлга қўйишимда жуда кўл

эса чорва молларининг ҳамма туридан боқияпти...

Ихтиёр ака ва Клара опа икки ўғил, бир қизни воёга етказишпти. Жавлонбек яқинда Тошкент Давлат аграр университетида ўқишга кирди. Сардорбек эса коллеж ўқувчиси. Бўш вақт топди дегунча, чорвачилик билан машғул бўлади. Ферузахон оилда тўнғич фарзанд. Клара опанинг айтишича, у болалигида ноқ онаси тиккан либосларга қараб суратлар чизган экан. 6-синфда ўқиб юрганида тикувчилик ва тўкувчилик тўғрақларига мунтазам катнашган. Гарчи онаси изидан бориб, молия соҳасини танлаган бўлса-да, барибир қизиққан илк хунари тикувчилик.

2008 йили бу оила соҳиблари ташаббуси билан "Ибрагимова Феруза" хусусий корхонаси ташкил этилиб, дастлаб 4 нафар ишчи ўрни очилди. Эндигина 17 ёшга кирган Ферузахон мамлакатимизда Юртбошимиз ва ҳукуватимиз ташаббуси билан хотин-қизларга яратиб берилган имконият ва имтиёزلардан оқилона фойдаланган ҳолда мустақил равишда корхона раҳбари бўлди. Жорий йил бошида ишчилар сони 10 нафарга етган бўлса, йил охиригача улар сони 30 нафарга етказишни режалаштирилганлиги таҳсинга сазовор десак муболага бўлмайди.

Этиборли жиҳати, у Ангрэн шаҳрида Ўзбекистон халқ демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган иқтисодий форумда ўзининг истиқболли лойиҳаси билан фаол иштирок этиб, 50 миллион сўмлик имтиёзли кредитни қўлга киритди. Ушбу маблағ ҳисобидан замонавий тикув машиналари харид қилиш билан бирга, аҳолини ёқоқ ўринлари жилдлари, болалар буюмлари билан таъминлаш режалаштирилган.

Энг аввало, ўз оиласининг суюкли келини, икки фарзанднинг меҳрибон онаси бўлиши шижоатли Ферузахон "Мустаҳкам оила йили" охирига қадар тумандаги чекка қишлоқларда ҳам мазкур корхона филиалларини очишни ҳам кўзлаб турибди.

**Нигора ҲРОЛОВА,**  
"Оила ва жамият"  
муҳбири.

## ҲАВАСИ КЕЛАДИ БАРЧАНИНГ

...Неъматжон ака асли қашқадарёлик. Тошкентда автомобиль йўллари институтида таҳсил олаётган кезларида Нишонгул исмли қизга кўнгли қўйди. Келин бўлиши оҳангаронлик, бир ёқда ота-онасининг розилигини олиш ҳам анча мушкул эди. Турли ўй-саволларга ботганча маслаҳат олиш учун она юртига йўл олди. Анчадан бери ўғлини уйлантириш учун тараддуд кўриб юрган ота-онасининг одатий саволига келин олисдан эканлигини минг бир исти-хола билан айтди. Қувончи хабарнинг қаноти бўлади, деганлари рост экан. Хуллас, совчилар Тошкентга шошилишиди, қишлоқда эса маҳалла-қўй, қариндош-уруғлар тўй тайёргарлигини кўришди. Узоқ кутилган тўй жуда гўзал ўтганини ҳозиргача бу оила аъзолари хўрсиниб хотирлашади. Энг қизиги, у маҳаллари Қашқадарёда қарнай-сурнай садолари остида никоҳ тўйларини ўтказиш рўсумга кирмаган эди. Нишонгулнинг баҳонасида бу одат кенг тарқалиб кетди. Тўйдан кейин келин-кўёв пойтахтга қайтиб, ўқишни давом эттиришди.

Мана шунга ҳам кам эмас, 42 йил бўлибди. Шу йиллар оралигида ҳамма-нинг ҳавасини келтирган бу аҳил оила бошидан қанча қувончли, армонли кунлар ўтди. Барча қийинчиликларни иккиси барабар енгиб ўтишди.

Яқинда Оҳангарон туманидаги "Озодлик" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Наврўз маҳалласида яшаб келишгаётган Нишонгул опа ва Неъматжон ака Маҳмудовлар ўзларининг кутлуг 60 ёшларини, турмуш қуришганининг 42 йиллигини энг яқин дўстлари, қариндош-уруғлари, фарзандлари даврасида нишонлашди.

— Мен жудаам аҳил ва оқибатли оилга келин бўлиб тушганман, — дейди Нишонгул опа. — Ўқишни битирганимиздан сўнг Қашқадарёга қайтдик. Бир муддат ишладик ва кейин аввал Неъмат ақанинг, кейин менинг ота-онам билан бамақлаётган Тошкентда яшаш ва ишлашга қарор қилдик. Мен махсус темир-бетон заводида, умр йўлдошим эса туманимиздаги наслчилик фабрикасида иш бошладик. Худого минг қатла шукрки, касбимиз ордидан кўпчиликнинг дуосини олиб, сира кам бўлмадик.

Бу ибратли оилда тарбия топган тўрт ўғил ва бир қиз бугунги кунда фидойи ота-онасининг ишончини қозониб, эл қорига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишди. Ўн нафар неваранинг суюкли бобоси Неъматжон ака, бувижониси Нишонгул опалар ўзлари яшаётган ҳудудда обрў-этибор қозонишган. Ая маҳалланинг фаол кайвониларидан бири. Кимнинг уйига совчи келса, дастурхони очилмай, олага жўнатилмади. "Кенгашли тўй тарқамас" деган ақидага бу ерда ҳам қаттиқ риоя қилишади. Айниқса, тўй-маросимларни камчиқим, дабдабасиз қилиб ўтказиш, келин-кўёвларнинг сарполарини, қудаларининг тоғораларини камайитириш бўйича чора-тадбирлар белгилашда ҳам Нишонгул опа ҳаммишга ҳазир нозир. Яна бир ибратли жиҳати, опа ўз кўли билан тиккан кўрпа-ёстиқ куроқларини турмуш кураётган ёшларга совға қилади.

Неъматжон ака ва Нишонгул опалар оиласини бахт кўрғонига менгзасак арзийди. Ўз кўллари билан яратган "турмуш боғи" бугун мева берапти, ҳосилга кирган. Уларга ҳаммининг ҳасади эмас, ҳаваси келади.

**Нигора Эркинбой қизи**



## БЎКАДА ШУНДАЙ ОИЛА БОР

чилик билан шуғулланганини кўриб, барча шарт-шароитларни яратиб берди. Яна бир ибратли жиҳати, фарзандлар тарбиясида ҳам иккиси "бир ёқадан бош чиқаришди". Ҳаммасига тўғри йўл-йўриқ, тарбия беришга интилишди. Бу захматли меҳнатлари зое кетмади. Болалар ҳам, кўз тегмасин, ота-оналари ишончини оқлашга интилишпти.

— Биласизми, аёлнинг осмон қадар кенг ва ёруғ қалбига оламнинг жамики орзу-умидлари, қувонч-армонларини сингдириши, сингдириш мумкин. Фақат бунинг учун унда иштиёқ, қизиқчи, ва энг муҳими, сабр-бардош, ирода бўлса бас, ҳар қандай вазифани шараф билан урдалайди, — дейди лавҳамиз қаҳрамони, бугунги кунда Бўка туман ҳокимлигида бош ҳисобчи вазифасида ишлаётган Клара Ортикова. — 35 ёшимда уч

келди.

2011 йилда оила аъзоларини билан келишган ҳолда «Микрокредитбанк»нинг туман филиалидан 20 миллион сўмлик кредит олиб, уч бош зотли қорамол харид қилдик. Бу биринчи навбатда оилавий бизнесни ривожлантириш учун ажойиб пиллапоя бўлди. Ҳар куни 30-35 литр сут соғиб, маҳалламиз аҳлининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшиб келяпмиз.

Бу аҳил ва иноқ, қолаверса, ишбилармон оилга бўкаликларнинг кўпчилиги ҳавас билан қарайди. Саришталик ва ободончилик уйғунлашган ҳовлига кирсангиз кўзингиз кўнайдиган. Бир ёқда гуллар очилиб ётган бўлса, бир тарафда мевали дарахтлар шохлари тўла ҳосилни кўтаролмайди. Сабзавот экинларини айтмайсизми? Ҳовли этагида

рўзгорни боқиш, тебратишим керак-ку!

Буниси ҳам ҳовла экан. Оилани олдинда яна бир мусибат кутиб турарди. Ораддан кўп ўтмай ҳаёт машаққатлари қаддини буккан ота бу дунёни тарк этиб, катта рўзгорни боқиш ташвиши ёш Маҳкамнинг елкасига тушди.

— Қариндошимиз Турди ака "Келажакда орзу-ниятимга етай десанг, аввало отангнинг касбини эгалла" деб мени новвойга шогирдликка олиб келди, — дея ҳикоя қилади Маҳкам ака. — Менинг вазифам — сахармардонда соат 3-4 ларда тандирнинг қулини тозалаб, кўмир ёқиш эди. Кейин эса кун бўйи узлуксиз хамир қориш ва тандирга олов ёқиш билан машғул бўлардим. Ушанда кунига 5 қоп ундан хамир қорилиб нон ёпиларди. Кечкурун эса бир кунлик иш ҳақим эвазига 5 донна нон олиб қайтардим.

Уша пайтларда гарчи Маҳкам ҳали 16 ёшга тўлмаган бўлса-да, меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги туфайли истисно тариқасида ишга расман қабул қилинади. У новвойхонада ишлаш билан бирга, кечки мактабда ҳам ўқирди. Шу орада мактабни битиргач, ишдан ажралмаган ҳолда Самарқанд савдо-кооператив

институтида ҳам ўқиди.

Унга кейинчалик дўконда сотувчи, бўлим мудири, хуллас, савдо соҳасида турли каттаю кичик лавозимларда ишлашга тўғри келди. Маҳкамжон қаерда фаолият юритмасин, ўз касбини мукамал ва яхши билиши, ҳалоллиги, ишга масъулият билан ёндашуви билан жамоанинг ҳурмат-этиборини қозонди.

Сир эмаски, савдо ташкилотиде ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бу соҳада ишлаган киши харидорларга хушмуомала, очик ўз бўлишдан ташқари, бировнинг ҳақиқа хенат қилмайдиган, инсоф-диёнатли, ҳалол бўлиши талаб этилади. Айтиш мумкинки, Маҳкам Азаматов ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолиятида ҳалоллик ва диёнатга суяниб иш кўргани боис ҳам, ҳар доим эл-юрт олдида, ўзи ишлаган жамоалар ва шогирдлари олдида юзи ёруғ бўлди. Гарчи ҳозир пенсияга чиққан бўлса-да, "Улгуржисавдоинвест"

Аслида ҳар бир инсон учун ҳаётнинг ўзи бир мактаб. Кимлигимиздан қатъи назар, агар биз ҳам умр дафтаримизни эзгу амаллар билан безаган бўлсак, шубҳасиз, бу бошқаларга ҳам ибрат вазифасини ўтайди.

Ана шундай инсонлардан бири, кўп йиллар "Улгуржисавдоинвест" уюшмасида хизмат қилган Маҳкам Азаматов бугунги кунда ўзининг 70 йиллик умр довоида туриб, ўзининг сермазмон ҳаёт фаолияти давомида бошидан кечирган унутилмас хотираларни бир-бир хаёлидан ўтказаяди. Олис йиллар ортида қолиб кетган қувончли ва маҳзун воқеа-ҳодисотларни гоҳ кўзда ёш, гоҳ эса фахри-ифтихор билан эслайди.

Ҳа, катта ва равон ҳаёт йўлига чиқиб олиш Маҳкам акага осон кечмади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам ҳали унинг жароҳатлари битмаган, юртда қаҳатчилик, очарчилик давом этарди. Уша пайтларда отаси жўжабирдай жонни боқиш учун тунни кунга улаб меҳнат қиларди. Отаси билан кечалари сомон тўла катта қолларни ва фўзапояларни ташийибериб ҳолдан тойган 8-9 ёшли болакай йиғламоқдан бери бўлиб падарни бузруқворига ялинарди:

— Дадажон, илтимос, шу ишингизни қўйинг.

— Йўқ, ўғлим, сира иложим йўқ, ахир

## ДИЁНАТЛИ ИНСОН



## Шукрона

уюшмасида шогирдларидан йўл-йўриқларини аямайди.

— Биз жўшиб ишлаган йилларда савдода ишлаш ниҳоятда оғир ва мураккаб эди, — дея сўзида давом этади у. — Товарлар танқислиги, навбатга туришлар у пайтларда одатий ҳол эди, десам ҳато қилмайман. Қолаверса, одамларда савдо аҳлига қанақадир бошқача кўз билан қараш ҳам мавжуд эди. Эътироф этиш лозим, мустақиллик йилларида, бозор иқтисодиёти шароитида савдо соҳасига ҳам катта эркинликлар берилди. Узоққа бормайлик, мана, пойтахтимиз Тошкентдаги дўкону бозорларга кириш. Кийим-кечак дейсизми, озиқ-овқат дейсизми, хуллас, ниманики қидирсангиз барчасини топасиз. Ҳаммаёқда тўкинчилик, серобликни кўриб, шундай юрта яшаётганингга шукрона айтмай бўладими.

**Муртазо СУЛТОНОВ,**  
иқтисод фанлари номзоди.

## “ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ” КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ


дунёда энг қадрли  
ва ҳамиша ҳурмат-  
эъзозга лойиқ  
касблардан бири  
бўлган маърифат  
аҳлини яқинлашиб  
келаятган  
умумхалқ байрами  
1 октябрь —  
Ўқитувчи ва  
мураббийлар кун  
билан самимий муборакбод этади!  
Муҳтарам устозлар!



Сизнинг  
шаънингизга  
ҳар қанча  
таҳсину  
мақтовлар  
айтсак, шунча  
камлик  
қилади.

РЕКЛАМА

Ниятимиз, озод  
ва обод Ватани-  
миз илму маъри-  
ф а т и н и  
т а р а қ қ и й  
э т т и р и ш д а г и  
ф и д о к о р о н а  
м еҳ н а т и н г и з  
р оҳ а т и н и кўриб  
ю р м о қ б а х т и  
н а с и б э т с и н!



Табиат — дорихона

### ШИФОБАХШ ВА...

Бақлажоннинг асл “ватани” Ҳинди-стон бўлиб, у ерда эрамиздан аввалги даврлардаёқ етиштирила бошланган. Арабларнинг шарофати билан бу неъмат Африка, Европа мамлакатларига келиб қолди ва бутун дунёга тарқалиб кетди. Бақлажоннинг турли тилдаги номлари унинг тарқалиш йўналишини кўрсатиб туради: арабча “базинджан” номи португалча “беринджелла” ва испанча “альберенхена”га ўзгариб кетди, шундан сўнг французлар ва инглизлар уни “обержин” деб аташди.

Бугунги кунга келиб, бақлажонлар субтропик ва мўътадил иқлим шароитида етиштирилмоқда. М а з к у р ў с и м л и к ҳарорат ва ёруғликка талабчандир. Селекциячи олимларнинг саъй-ҳаракати билан турли мамлакатларда ҳар хил шакл ва рангдаги бақлажонлар мавжуд.



Пазандалиқда бақлажоннинг ёғни шимиб олиш хусусияти жуда қадрланади. Шунинг ҳисобига таом чиройли ва тўйимли бўлади. Агар унинг ёғ шимиб олишини истамасангиз, тузли сувга бўктириб қўйинг ёки овқатга солишдан олдин озгина қайнатиб олинг. 100 грамм хом бақлажонда 33 ккал мавжуд.

Шарқда бақлажон умрни узайтирувчи сабзавот ҳисобланиб, ундан тайёрланган таомлар, айниқса қарияларга кўпроқ тавсия этилади. Сабзавот таркибидаги калий ва бошқа моддалар юрак фаолиятини яхшилайдди, қон томирлардаги холестеринли тошмаларни парчалайдди. Шу билан бирга у модда амашинуви бузилганда, жигар, буйрак ва ҳазм қилиш органлари хасталиклариди ҳам ёрдам беради. Бақлажонлар клетчатка, оқсил, С ва В6 витаминлари, минераллар (кальций, темир, фосфор)га бой.

### ЗИРА

Зиранинг 4 хил тури мавжуд: форсча, кирманча, сурийча ва набатейча. Уларнинг ҳар бири маданий ва ёввойи ҳолда учрайди. Улар орасида энг яхшиси кирманча зира (қора рангли, майда, ўткир ҳидли) ва форсча зира (сарғиш рангли, хушбўй) ҳисобланади. Таом тайёрлашда зиранинг уруғидан кенг фойдаланилади. Бутун уруғлар ош учун асосий зиравор ҳисобланиб, майдаланган зира турли қайлалар тайёрлашда қўлланади.

Таркибида 2,4 – 4,0 фоиз эфир ёғини мужассам этган зира юрак қонтомир фаолиятига ижобий таъсир ўтказди, тромблар ҳосил бўлишининг олдини олади ва организмни инфарктдан асрайди. Шунингдек, у мия ва кўриш фаолиятини яхшилайдди, ошқозонда овқат ҳазм бўлишини енгиллаштиради ва иштаҳани очади.

Ушбу зиравор ошқозон ва ичакларни муштақамлайди, меъда санчиғи, спазм, диспепсия (меъда ва ичакларда овқат сингмаслиги оқибатида келиб чиқадиган касаллик), ва метеоризмда тенги йўқдир. Асаб тизими зўриққанда ва мигрен чоғида ҳам ундан даво тариқасида фойдаланиш ижобий натижа беради. Зира турли яраларнинг битишида ҳам самарали антисептик восита ҳисобланади, уруғининг майдаланган тури ва зайтун мойи ёки дуккакли ун аралашмасидан тайёрланган компресслар унча катта бўлмаган шишларнинг сўрилишига ёрдам беради.

Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.




## ҚУРОЛСИЗ ДУЭЛЛАР

"Чинор остидаги дуэль" фильмида раис дуэль дегани аслида нима эканлигини билмайди. Шунда қизи, дуэлда иккита одам бир-бирини отиб ўлдиришини айтади. Албатта бу сўз эндиликда ҳазил тариқасида ишлатилса-да, аммо дуэлни ўзингиз билган фильмда Нортой ва раис ўртасидаги сўз ёки микрофон дуэли. Бу дуэлда ҳеч ким ўлмайди.

Бироқ эндиликда дуэль услуби қуролсиз қўлланилмоқда. Масалан, ўша ўзингиз билган фильмда Нортой ва раис ўртасидаги сўз ёки микрофон дуэли. Бу дуэлда ҳеч ким ўлмайди.

Яна бир қуролсиз, аммо барибир ҳаёт учун хавфли дуэль 1978 йилда амалга оширилганди. Америкалик



Брайт исмли жаноб ўз рақибини дуэлга чорлаб, қўлида хом, ям-яшил иккита олма солинган ликопча билан унинг қаршисига пешвоз чиқади. Ўша пайтлари вабо эпидемияси тарқалган эди. Ҳар иккала дуэль иштирокчиси ювилмаган олма билан вабо эпидемиясини тарқатишини билишарди. Брайтнинг рақиб бундай "жангдан" бош тортади ва уэр сўрайди.



Шу каби яна бир воқеа ўтган асрда ҳам содир бўлганди. Немис давлат арбоби Отто фон Бисмарк таниқ олим Вирковни дуэлга чақиради. Профессор Бисмаркнинг қуролдан жуда яхши фойдалана олишини яхши биларди. Жанг фурсати етиб келганида Вирков қурол сифатида, тасаввур қилинг-а, сосискаларни танлашини айтади. Дарвоқе, у Бисмаркнинг сосискаларини ҳам жуда яхши кўришини биларди.

Бу антиқа дуэлни шартлари қуйидагича эди: секундантлар патнисда иккита сосиска келтиришарди. Бисмарк ва Вирков биттадан сосискаларни танлаб олади. Гап шундаки, сосискалардан бири заҳарланган эди! Шундай қилиб, ҳаётида биринчи марта Бисмарк сосиска ейишдан бош тортади...

Наргиза СИДДИКОВА  
тайёрлади.

## СОВЧИЛАРНИ ҚАЙТАРГАН ЭДИМ...

Мақтабни тугатиб, институтга кирган пайтим ўзимча еттинчи осмонда учиб юрган эдим. Шунинг учунми, келган совчиларни ҳам сўрамай-нетмай қайта-равердим. Гўё мени эртақдаги шахзода кутиб тургандек. Ота-онам ҳам нима қилсин, раъйимга қарашди. Хусним, дипломим бор-ку, ҳеч қачон хор бўлмайман, деб қаттиқ адашибман. Очиғини айтсам, институтда ўқиб юрган кезларим бир йилгитни ёқтирганман.

У ҳам менга беварқ эмасди, шекилли. Лекин тақдир экан, йўлларимиз бошқа-бошқа бўлиб кетди.

Вақт ўтиши билан маҳалла-қўйда ҳар хил гап-сўзлар кўпаяр экан. Йигинларда аёллар онамга "Қизингизни ҳали ҳам эрга бермадингизми?", дея пичинг қилишар экан. Яқинда укамни уйлантиришимиз керак. Энди нима қилай, дардим ичимда. Сизларга бу гапларни очик-ошкор ёзишимдан мақсад, ёш сингилларимиз ҳам мендек адашишмасин, дейман.

Маълумотим олий, ўқитувчиман. **Ёшим 34 да.** Чеварликка ҳам қизиқаман. Бадиий китоблар ўқишни, мусиқа тинглашни ёқтираман.

Маҳалладошларим ва таниш-билишларнинг орқаворотдан "Шу ёшгача йилгит танлади, кўраимиз кимга тегар экан?" деганларини ҳам эшитганман. Шу боис ақли, истарали, уйим-жойим дейдиган, ёши 40-45 ларда бўлган инсон учрашини жуда хоҳлардим.


ЭЪЗОСАХОН,  
Наманган шахри.

## 22 ЙИЛ ЁЛҒИЗ ЯШАДИМ

Собиқ эримга чин дилдан кўнгиб қўйиб, турмуш қурганман. Тўйдан аввал не-не орзу-ҳавасларим бор эди. Лекин кўп ўтмай, унинг сирлари фож бўлди. У мендан олдин ҳам бир синфдоши билан пинҳона учрашиб юрар экан. Бир

кунни ўша қизнинг онаси уйимизга жанжал қилиб келди. Қизимга уйланмасанг, судга бераман, деб эримга бақира кетди. Қайнонам билан қайнотам ёқаларини ушлаб қотиб қолишди.

Қайнотам жаҳл устида ўғлини "Бу уйда бошқа қорангини кўрмай!" деб ҳайдаб юборди. Менга эса шу уйда биз билан яшайверасан, дейишди. Эрим бир неча кун кўринмай кетди ва отаси-



дан кечирим сўраб, қайтиб келди. Кейин ўша қизни умуман ёқтирмаглигини, уларнинг тухмат қилаётганини айтди.

Шу орада қизим дунёга келди. Лекин яна барибир тинчимиз бузилди. Эримнинг синфдоши ҳомиладорман деб туриб олди. Эшигимиздан она-боланинг қадами узилмай қолди. Бу машмашаларга чидолмай, ёш болам билан отамникига кетдим. Орқамдан келганида дадам юбормади. Икки ўт орасида яшадим. Хуллас, эрим билан қонуний ажрашдик.

Мана, ўша аламли воқеаларга ҳам 24 йил бўлибди. Отам раҳматли бизни кўчада қолмасин, деб қизим иккаламиз-

## ТАХРИРИЯТДАН:

"Бахтли бўлинг" рўқига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

## КЎЗИНГИЗНИ ЭХТИЁТ ҚИЛИНГ



Инсон жони оғриси, кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Айниқса, кўзлар бизнинг энг нозик аъзоимиз ҳисобланади. Унинг чақна туриши ҳам, ғамгин тортиб, ҳориб қолиши ҳам ўзимизга боғлиқ.

Биз берадиган тавсияларимиз эса сизнинг кўзларингизни янада порлаб, соғлом нур таратиб туришига ёрдам беради:

● Хом картошкани майда қирғичдан чиқарасиз. Тайёр бўтқани докага солиб, сал сиқиб оласиз-да, кўз қовоқларига қўясиз. 10-15 дақиқадан сўнг уни олиб ташлаб, кўзларингизни янада порлаб, соғлом нур таратиб туришига ёрдам беради.

● Толиққан кўзларни тинчлантириш учун мойчечак ва бўтақўз (синий василёк) гиёҳлари дамламаси ҳам яхши ёрдам беради. Бу дамламаларни тайёрлаш учун ҳар бир гиёҳдан 1 ош қошиқ олиб, устига қайноқ сув қўйиб, дамлама тайёрлайсиз. Кейин совуқ дамламага ботириб олинган пахтани кўзингизга босиб, 15-20 дақиқа ётасиз. Даволаш муддати 3-5 кун.

● 1 чой қошиқ маврак устига 1 стакан қайноқ сув қўйиб, 10-15 дақиқа дамлаб қўйилади. Иккита пиёлага қўйиб, бири совутилади. 7-10 дақиқа давомда пахта навбатма-навбат иссиқ ва совуқ дамламага ботириб, кўз остига босилади. Охириги муолажани эса совуқ компресс билан тугатилади. Ушбу муолажа шишага қарши қўлланилади.

● Кўз қовоқларининг қизаришини куюқ қилиб дамланган чой билан йўқотиш мумкин. Чойга мойчечак дамламаси ёки борат (борный) кислотасидан 1 стаканига 1 ош қошиқдан қўйилади. Ушбу компрессни ҳар бир қовоққа 1 дақиқадан қўйиб турилади. Муолажа муддати 7-10 кун.

● Кўз остида шишлар пайдо бўлса, мойчечак, отулоқ ҳамда петрушка аралашмасидан тайёрланган дамламани илиқ ҳолда компресс қилсангиз, фойдалидир. Ушбу муолажани соғайгунча кечкурунлари бажарган маъқул.

● Компьютер қаршисида узок вақт ўтириб ишлаш натижасида зўриқиб қизарган қовоқларни ва кўз остидаги шишларни бартафак этиш учун петрушка ёки шивит қўқатларидан дамлама тайёрлаб, компресс қилinsa, жуда фойдали.

● Компьютерда ишлайдиганлар учун яна бир маслаҳат: компьютер олдида икки соат ишлагандан сўнг, 20 дақиқа кўм-кўк ўсимликларга қараш кўзингизга фойдали. Кун бўйи компьютер қаршисида ўтириш кўзга зарарлидир. Шунинг учун турли зўриқиб, толиқиб хасталиқдан кўзингизни эҳтиёт қилинг.

Лаофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

## Ўрганганинг ўзингизга

### ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Оқ рангли матолардаги дазмой доғини кетказиш учун 1 чой қошиқ водород пероксидини 100 г. сувга аралаштириб, шу жойни тозалаб.

● Пойабзалингиз доимо янгидек кўришини учун уни аввал ёғланг, 25 дақиқадан сўнг чўтка билан тозалаб крем суртинг.

● Сув кириши ёки терлаши оқибатида оёқ кийимингиз намикқанини сезсангиз, унинг ичига қоғозни думалоқ шаклда ўраб, тиқиб қўйинг. Бу усул билан сиз ҳам намлиқдан, ҳамда ундаги ёқимсиз хиддан қутқаласиз.

● Оқ дастурхондаги доғларни кетказиш учун уни зардобга ёки лимон кислотаси аралаштирилган сувга 1-2 соат ивтиб қўйиб, сўнгра сувда чайиб ташланг.

● Бўялган девордаги доғ изларини кетказмоқчи бўлсангиз, ўша жойни қайнатилган картошка бўлага билан артиб, кейин латта билан тозалаб.

● Рангсиз кийимлардаги тер доғини кетказиш учун 1 чой қошиқ новшадил спирти ва 1 чой қошиқ ош тузини 1 стакан сувга аралаштириб, доғ теккан жойни яхшилаб артиб, илиқ сувда ювиб ташланг.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



## ОТАЛИК ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

Менинг ноқонуний фарзандим бор, унга гувоҳнома олмақчиман. Қаердан ва қандай тартибда беришади?

О. Абдуллаева.

— Бола туғилганлиги ҳақида гувоҳнома олиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 22 апрелдаги 1564-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақида йўриқнома" асосида тартибга солинган. Яъни йўриқномага кўра, туғилганликни қайд этишда боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома (бола туруқхонадан ташқари жойларда туғилган бўлса далолатнома), ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ва никоҳ гувоҳнома талаб этилади.

Туғилганликни қайд этиш билан бир вақтда никоҳда бўлмаган ота-онанинг туғилган болага оталикни белгилаш ота ва онанинг ФХДЁ органига биргаликда берган аризаси асосида амалга оширилади. Бундай ҳолларда агар боланинг онаси бошқа шахс билан қонуний никоҳда турган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризага никоҳда турган шахсининг (эрнинг) нотариал тасдиқлан-

ган розилиги илова қилиниши ёки ФХДЁ органига келиб, ёзма равишда ўз розилиги илова қилиниши ёки ФХДЁ органига бориб, ёзма равишда ўз розилигини билдириши лозим. Бундай розилик ФХДЁ органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Туғилганликни ёлғиз (қонуний никоҳда бўлмаган) она томонидан қайд этириш ФХДЁ органи раҳбари томонидан тасдиқланади. Агарда туғилган боланинг онаси вояга етмаган бўлса, боланинг туғилганлигини қайд этиш ҳақидаги тиббиёт муассасасининг маълумотномаси ҳамда васийлик ва ҳомилийлик органининг аризасига асосан қайд этилади. Бундай ҳолда болани туққан онанинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, шунингдек, яшаш жойидан, ўқиётган бўлса ўқиш жойидан расми елимланган ҳолдаги маълумотномалар тақдим этилиши шарт.

Ёлғиз онанинг аризасида боланинг, онанинг ва отанинг фамилияси бир хилда она фамилияси бўйича кўрсатилиши лозим. Ёлғиз онага фарзандининг туғилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилганлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотнома берилади.

Саволга Жиззах вилояти  
Зарбдор туман ФХДЁ бўлими  
мудир Муқаддас ОРТИҚОВА  
жавоб берди.



## Савол-жавоб

## МУЛҚДОР БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС

Ота-онанинг мулкига болалар эгаллик қилишга ҳақлими?

Ж. Носиров.

— Агар ота-она ҳаёт бўлса, фарзандлар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Ота-она ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига эгаллик қилишга ҳақли эмас. Ота-она ва болалар ўртасидаги умумий мол-мулкка бўлган мулкдорлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига белгилаб қўйилган.

Вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфига бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланиши керак.

Ушбу саволга Тошкент вилояти  
Зангиота тумани 2-сон  
ФХДЁ бўлими mudiri  
Юлдуз РАХАТОВА жавоб берди.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

## ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ ИККИНЧИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида дзюдо бўйича эркалар ва хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон кубоги якунланди.

Эркалар ўртасидаги беллашуларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бир олтин, 4 кумуш ва 8 бронза медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ўзбекистонлик Мирали Шарипов шохсупанинг энг юқори поғонасидан ҳош олди.

Ўтқир Курбонов, Дибрбек Ўрозбоев, Ҳамиджон Мўминов ва Арсен Бабаев кумуш медални кўлга киритган бўлса, Авазбек Кўрғонов, Улугбек Норқобилов, Шухрат Арслонов, Эркин Дониёров, Сойиб Курбонов, Фахриддин Шарипов, Болтабой Болтаев ва Одилжон Тулендибоев бронза медал билан тақдирланди.

Шунингдек, япониялик Наохиса Такаато, Кейта Нагашима, Юя Ёшида, Дайсуке Кобаяши, Такеши Ожитани, россиялик Абдулла Абдулжалилов жаҳон кубоги мусобақасининг олтин медални кўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида ҳамюртларимиздан Виктория Оздаева кумуш медални кўлга киритган бўлса, Нодира Гулова, Дилдора Убайдуллаева ва Шохиста Сафарова кучли учликдан жой олди.

Исроиллик Шира Ришони, Ярден Герби, Лиор Уилдикан, беларуслик Марина Слуцкая, арманистонлик Жанна Станкевич, қозғистонлик Александра Подрядова ва Анар Сөйтимова олтин медал билан тақдирланди.

## ЧЕМПИОНАТ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Аста-секинлик билан олий лига баҳслари ҳам ўз якунига етиб бормоқда. Ўтган ҳафтада 20-тур учрашувлари ўтказилди. Дикқатни тортадиган натижалар Зарафшон ва Муборакда қайд этилди.

Чемпионлик учун асосий даъвогарлардан ҳисобланган «Пахтакор» Андижонда муҳим 3 очкони кўлга киритди. «Бунёдкор» ўз учрашувини кеча «Бухоро»га қарши ўтказиб, 1:0 ҳисобида ғалабага эришди ва карвонбошиликни давом эттирмоқда.

Чемпионлик йўлида курашаётган яна бир жамоа «Насаф» эса қўтилмаганда «Қизилқум» билан дуранг ўйнади. Натижада қаршиликлар «Пахтакор»дан 2 очко кам жағғариб кучли учликда боришмоқда.

Жадвалнинг сўнгги поғоналаридан бирини эгаллаб турган «Машъал» Фарғонанинг «Нефтич» жамоасини 3:0 ҳисобида доғда қолдирган бўлса-да, ҳавфли зонани тарқ етолгани йўқ. «Андижон» жамоаси эса 15 очко билан охириги поғонани эгаллаб турибди.

Интернет манбалари асосида  
Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

## Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги Султонобод фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган



## “ҚОРА МУСТАНГ”

хусусий фирмаси жамоаси мамлакатимиз таълим-тарбия масканларида фидойилик намуналарини кўрсатиб ишлаётган барча устоз ва мураббийларни касб байрами билан чин дилдан табриклайди!

Фарзандларимизга илму маърифат улашиш йўлида асло толманг!

Умумхалқ байрамингиз муборак бўлсин!

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Торт олий курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.  
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Гўзаллик салоҳига тайёрлаш — 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).  
Тўқувчилик — 2-3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул, сарпо қўти ва саватлар ясаш — 2 ой.  
Бисердан гуллар, дархалтлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан  
Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзо 1-уй 31-хона.  
МУЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).  
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЛЖАЛ: Куйлик кийим бозори рўпарасида.  
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)



Ҳурматли 125-мактаб директори Соҳиба Бобоева (ўнгдан иккинчи) ва ўқитувчиларимиз Озода Соипова, Мунира Хусанова, Сайёра Аҳмедова ва бошқаларни 1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кўни билан чин дилдан табриклаймиз. Масъулиятли ишларингизда сизларга сийхат-саломатлик, кунгайрат тилайимиз.

7<sup>а</sup> ва 3<sup>а</sup> синф  
ўқувчилари номидан  
Зиёда, Ирода Турсунбоева.

## Муассеслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларини қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти — 15:00  
Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



## Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Нигора РАҲМОНОВА  
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ  
Мусахҳиллар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга  
олинган. Буюртма Г — 928. Формати А-3,  
ҳажми 2 табоқ, Адади — 6392. Баҳоси кели-  
шилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5